

2024-yil
13-yanvar
shanba
№7-8 (4916)

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiga boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИННИГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИФИЛИШИНИ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Шавкат Мирзиёев раислигида 12 январь куни
Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурӣ секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга
мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишлини йигилиши бўлиб ўтди.



Мажлисда Хавфсизлик кенгashi аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирадиган вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оқруглар қўмандонлари, ҳарбий-маъмурӣ секторлар раҳбарлари - Қорақалпоғистон Рес-

публикаси Жўқори Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоқимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йигилиш аввалида давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкам-

лаш ва Қуролли Кучларни ривожлантириш борасидаги 2023 йилда амалга оширилган ишларнинг на-

тижаларини таҳлил қилди.

Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳоқимияти органдарининг бу йўналишдаги фаолияти

танкцийдик кўриб чиқилди, мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

Ҳарбий хизматчилик ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, миллий армиямизни янада ривожлантириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий-маъмурӣ секторлар ва мудофаа саноати фаолияти самародорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Глобаллашув жараёнлари хамда одамлар, айниқса, ёш авlodнинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни кучайтириш вазифаси қўйилди.

- Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Вatan химоячиси бўлиши миз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур, - деди Президентимиз.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини кўриб чиқиш юзасидан тегиши мутасаддиларга аник топшириклар берди. Навқирон авлод вакилларининг юртимиздаги ислоҳотлар жаёнидаги иштирокини ошириш, улар ўз интеллектуал ва иходий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароитлар яратиш мухимлигига эътибор қаратди.

Ҳозирги кунда Қуролли Кучларни замонавий инфратузилмаси негизида ва мономарказларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар йўлга кўйилган. Давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги тадбирларни кенгайтириб, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ва меҳнат фаолиятини бошлаши учун субсидиялар орқали кўллаб-куватлаш зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, ёшларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш мақсадидаги медиа маконда олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Мажлисда мамлакатимиз мудофаа курдатини мустаҳкамлаш, қўшинларнинг ҳарбий тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳарбий имл-ғаний ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Олий Бош Қўмандон жанговар тайёргарлик тизимини инновациян ва имл ёндашувлар асосида янада такомиллаштириш, ахборот алмашнуви ва қарорлар қабул қилиш бўйича замонавий ҳарбий ва илмий ишланмаларни амалга кенг жорий этиш бўйича топшириклар берди.

Йигилишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш милий хавфсизлик соҳасидаги мухим вазифа бўлиб қолишига ургу берилди. Бу борада Қуролли Кучлар ва хукукни муҳофаза қилиш органларини ракамлаштиришни жадал-

лаштириш, вазирлик ва идораларнинг барча ахборот ресурсларини ягона хавфсиз ахборот маконига бирлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Милий армиямизда ва халқимиздаги ўтасида киберхавфсизлик босрасидаги огохлини ва рақамли маданиятни ошириш бўйича тизимли ишларни йўлга кўйиш юзасидан энг мухим вазифалар белгилаб олини.

Ҳавфсизлик кенгаши йигилишида мамлакатимиз мудофаа саноати мажмусасини янада ривожлантириш, давлат чегараларини кўриклиш тизимини такомиллаштириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларни прогноз ва мониторинг қилиш, авария ва техноген ҳалокатларнинг олдини олиш борасидаги ишлар самародорлигини ошириш бўйича ҳам долзарб вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз ҳарбий хизматчилар уларнинг оила аъзоларини ижтимоий кўллаб-куватлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг мухим йўналиши бўлиб қолишини қайд этди.

Йигилиш якунида давлатимиз раҳбари барча ҳарбийларни, бутун халқимизди Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 32 йиллиги ва Вatan химоячилари кунин билан саимий табриклиб, эзгу тилакларини билдириди.

ЎЗА



14 ЯНВАРЬ
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ХАЛҚ ВА
АРМИЯ –
БИР ТАНУ
ЖОН!

Toшкент шаҳри Утрашув

ТАЛАБАЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ректор ва талабалар учрашуви бўлиб ўтди. Унда ўқиш жаёнида йўл кўйилаётган айrim муаммолар, таълим сифатини янада яхшилаш хусусида сўз борди.

Маълумки, ёшларнинг ўй-хаёллари, орзу-хавасларини билиш, уларни кийнаётган муаммоларни теран англаш ва ўз вактида ҳал этиш ва зарур чоралар кўриш талабаларда келажакка бўлган ишонч мустахкамланишига хизмат килади.

- Ёшларга оид давлат сиёсатининг мухиятида ҳам айнан шу максадлар ётади, - деди Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ректор Сайфулла Ахмедов. - Ёшларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишининг энг самарали усули эса бевосита улар билан учрашувлар ташкил этиш, фикрига кулоқ тутишdir.

Утрашув давомида талабалар томонидан фанлар бўйича ўқув лабораторияларини ташкил этиш ва жиҳозлаш, тўғарак ва хорижий тил курсларини йўлга кўйиш, ахборот ресурс маркази китоб фондини янада боййтиш, спорт билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратиш каби таклифлар илгари сурилди.

Тадбир якунида ўртага ташланган муаммоларни ҳал этиш, билдирилган ташабbusларни амалга ошириш бўйича тегиши кўрсатмалар берилди ва чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиришимиз



ЖИЛОВЛАНМАГАН ТАФАККУР ЖИЛОЛАРИ

Бугун адабиёт тағлимизнинг жонқуярлари кўп. Аммо ҳамма ҳам адабиётшунос олим, педагогика фанлари доктори Козоқбай Йўлдошек тағлими изи қадрлаша ўнрак, намуна бўла олмайди. Бу инсон адабиётни ўқитишида аниқ тақлиф ва ечимлар айтила оладиган, адабиёт орқали инсонни тарбияланшинг назарий ва амалий асосларини таҳтил қилиб берадиган саноқли олимларимиздан бири.



Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида олимнинг «Жиловланмаган тафаккур маҳсул» китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Китоб – адабиёт таълими ва педагогика ҳақида. Китобда ўқувчиларга адабиётни кананд ўқитиши, севдириш кераклиги, усуллари, методикаси ҳақида сўз боради. Унда таълимга оид ўринли фикрлар, оғрикли муроҳазалар ҳам бор. Масалан, муаллиф шундай дейди:

«Миллий асосларга таянмайдиган педагогика тарбияланувчига гўё ёзилмаган опокон қоғоз деб қарайди. Ва унга ўзи истаган сифатларни ёзмокчи бўлади. Аммо ҳарчанд зўрик масин, ниятига эриши олмайди. Чунки у боланинг табиатини, унинг шахсияти шаклланган миллий мухитнинг ўзига хос жиҳатларини мутлақо ҳисобга олмайди. Бундай педагогика болага одам деб қарамайди. Уни таълим-тарбиянинг обьекти дебгина қарайди».

Яна бир ўринда эса «Ўқувчидан факат тўғри фикрлашни талаб қилиш унинг фикрлашини чеклашга олиб келади... Жиловланмаган тафаккур гина кутилган маҳсулни беради», дейди.

Тақдимотда адабиёт-шунос олим Зуҳридин Исимиддинов, шоирлардан Абдунаби Бойкўзиев, Ҳаёт Шодмон, адаблардан Адҳамбек Алимбеков, Қўчқор Норқобил, Ҳусан Эрматов, Ҳусан Карвонли ва адабиёт таълими бўйича Ҳошим Аҳмедов ҳамда Маҳмуда Валиева каби устоз педагоглар сўзга чиқшиди. Улар китоб муаллифи нинг мушоҳадалари ва адабиёт ўйларига, таълим ва педагогика бора-сидаги тақлифларига, шу билан бирга, адабиётнинг миллатимиз ва ўзбек тилининг жонқуяри сифатидаги фаолиятига юқори баҳо беришди. «Жиловланмаган тафаккур маҳсул» китоби адабиёт таълим учун энг қимматли манбалардан бири бўлиши эътироф этилди.

Жумладан, Ҳусан Карвонли «Қозоқбай Йўлдош ҳақиқий ўзбек бобо. Чунки айримлар тил жонқуяри сифатида гапиришса-да, амалда доим ҳам ўзбек тилини қадрлаивермайди. Аммо Козоқбай Йўлдош бундайлардан эмас. У тилимизни асрар-авайла, қадрлаша барчамизга ўнрак, намуна бўла олади», деди.

Тақдимот сўнгидаги олим тадбир ташкилотчilarига миннатдорлик билдиар экан, адабиёт ва тил бора-сида муаммолар кўлайб кетаётгани, ёшларга адабиётни севдира олмаётганимиз сабаблари ҳақида фикр билдириб, улар юзасидан ўз тақлифларini айтиб ўтди.

Зебинисо ЯНГИБОЕВА.
Эъзоз УМРЗОКОВА олган суратлар

ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Куролли кучлар академиясида 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватан фидойи фарзандларини унтулмайди» мавзусида тадбир ўтказилди. «Касаба уюшмалари – ҳарбийларга» акцияси доирасида ташкил этилган анжуманда академия профессор ўқитувчilari, курсант ва тингловчилар, ўзбекистон касаба уюшмалari Federatsiyasining Тошкент шаҳар кенгаша масульлari ва касабa уюшma фоаллari иштирок этди.

Тадбирda Мудофаа ва-зирлиги бирлашган касабa уюшma кўмитаси раиси Алишер Киличев ўзбекистон Республикаси Куролли кучлari ташкил этилганлигининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йигилганлari табриклиб, сунгти йилларда миллий армиязмизнинг киёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгаргани айтиб ўтди.

Тадбирda Мудофаа ва-зирлиги бирлашган касабa уюшma кўмитаси раиси Алишер Киличев ўзбекистон Республикаси Куролли кучlari ташкил этилганлигининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йигилганлari табриклиб, сунгти йилларда миллий армиязмизнинг киёфаси ва салоҳияти тубдан ўзгаргани айтиб ўтди.

– Касабa уюшмалari кўп йиллардан буён ҳуқуқни муҳофaza қўйувчи органлар ходimlari ва ҳарбийларни турли байram саналari муносabati

билан кутlab, ҳар томонlama kўllab-kuvvatlab kelaetiir, – дейди ўзбекистон касaba уюшmalarini Federatsiyasining Тошкент шaҳar kengashasi baxshi Сайфулла Ахmedov. – Айнича, xizmat vazifasini baxshi waqtida halok bulgan ҳarbij xizmatchilar va ichki ishlar xodimlarining ollalari xamisa etibor marказimizda. Furusatdan foydalaniib, shonli aiym arafasida mamlakatimiz tinchligi va xahfisizligi iyulida fidokoronan xizmat qilaetg'an ҳarb shaxsiyati ўzbekeston kasa ba uyu shmalari Federatsiya nomidam samimiy mubarakbod etaman.

Ғуломжон
МИРАҲMEDOV
«ISHONCH»



ЮРТ ҲИМОЯСИ ИШОНЧЛИ ҚҮЛЛАРДА

Ўзбекистон касаба уюшмалari Federatsiyasining Навоий вилояти кенгashiда 14 январ – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Н» қисмida xizmat қilaettan oficerlar va askarlar, Mudofaa tizimi fahriylari hamda keng jamaatchiлик vakkilari ishtirokiда maъnaviy-maъriifiy tadbir utkazildi.

«Янги ўзбекистон армияси мамлакат курдати, юксак фурур ва садоқат тимсолидир» широностида ташкил килинган мазкур байрамона тадбирни вилюят kengashasi raixbari Nazira Toғaeva kiriш sўzisi bilan ochar ekran, йигилганlari ҳarbijlar par bairamni bilan samimiy tabriklaishi.

Тадбир sунгida ҳarbij orkestr milliy va ҳarbij kуйлari ijro etdi. Xizmatdagi oficer va askarlariga, fahriylariarga ўзбекистон касaba uyu shmalari Federatsiyasining Навоий villoyeti kengashasining esdalik sovgalari topshirildi.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»



МАРДЛАР ҚўРИҚЛАЙДИ ВАТАНИ

Кимё ва фармацевтика саноатi ходimlari kasa ba uyu shmalari tizimidagi «Na-voiyazot» AJ korxona-sida «Янги ўзбекистон армияsi -

mamlakat kurdati, yoksak fu-rur va sadokat timsolidir!» shiori ostida bairam tadbirlari, kuirik-tanlovlar va sport musobaqalari tashkiл etilmoқda.

Марказiy ҳarbij okrug-ning H-ҳarbij қism xizmatchilarini wa korxona hodimlari ishtirokiда бошланган taнтana navor tadbirlar daстuri ni ҳarbij orkestr sadołari янада boyitdi. Shuningdek, ҳarbij xizmatchilarining jaнgovar tayёрgarligi akс etgan chiqishlari va ёshlari замонaviy kуrol-aslahalar bilan yaxidan taniшtiришga йўnalтирилган kўrgazma tashkiл etildi.

Тадбирler doирасида жамiat xodimlari va ёshlar milliy gvardiyaniнg Навоий villoyeti boшkarmasida buльshidi. Ishtirokchilaraga соҳa vakkilari faoliyati va muddatlari ҳarbij xizmatni

utaytgan askarlar учун яратilgan шароитlар жакida maъlumot berildi. Bu buлаjg'ad Bataн ximoya-chilarini tarbияlatgan жамiat xodimlari beferak koldir-madi, tadbir asosni ёшlar ўzlari kiziqchitirgan savollarparga жавоб olibasadi.

Байram muносabati bilan «Навоийзот» AJ xodimlari ishtirokiда «Пос-bonimman muқaddas юртнинг» kuirik-tanloviga ўtkazilib, foliib va faol ishtirokchilariga korxona kasa ba uyu shmaliga kumitasini dan эsdaлиc совfavalari topshirildi.

Шавкат ТОИРОВ,

Kimё va farmaevтика
саноатi ходimlari kasa ba
уюшmasi

Respublikasi kengashasi

raisining ёshlar

masalalari buйicha

maslaҳatchisi

14
YANVAR



Пресс-тур

МАРД ЎҒЛОНЛАР МАСКАНИ

Қуролли Кучлар академиясида бўлган инсон Ватан ҳимоясини ҳаётининг мазмуни деб билган жасур ўғлонларнинг шаҳду шижаотини кўриб, сарҳадларимиз ишончли кўулларда эканидан кўнгли хотиржам тортади.

Бир гурӯҳ журналистлар ушбу ақадемияда бўлиб, ёнда курсантлар учун ташкил этилган таълим жараёнлари, яратилган шароитлар, армиямиз курдати ва харбийларимизнинг жанговар ҳамда тактик тайёргарлиги билан танишиди.

Пресс-тур иштирокчilari харбий оркестр садолари остида кутиб олинди ҳамда уларга академияса саф майдонидаги фахрий коровул ва взвод бўлинмасининг кўл жанги бўйича кўргазмали чиқишли, шунингдек, таълим маскани фаолияти ва шароитлари ҳақида тайёрланган видеоролик намойиш этилди.

ЖОН ГАРОВГА ҚЎЙИЛАДИГАН СОҲА

Олий харбий таълим муассасаси бўйлаб саёҳат бошланди. Унда ОАВ вакиллари академия тарих музейидаги экспонатлар, ахборот-ресурс марказида яратилган шароитлар, курсантлар бўлинмаси ёткоҳонасига қўйиллар, «Амир Темур», «Бобур», «Жалолиддин Мангуберди» тематик синфлари ва «Психологик тайёргарлик маркази» ҳамда спорт мажмуасида яратилган шароитлар билан танишидilar.

Айтиш жоизки, курсантлар учун яратилган ўқув ва яшаш шароитларининг барчasi аъло даражада.

Ўқув масканининг иктидорли курсантларидан бири, ўз олдига харбий офицер кадр бўлишини мақсад қилган Шоҳрузбек Абдусатторовни сұхбатга чорлади. Фарғоналик бу ѹигит акаларига ҳавас килиб, Ватан ҳимоячиси бўлишини ўз олдига мақсад қилган.

- Ўқиб-ўрганиб билимпазли, Ватанини ҳимоя қилиш улуф ва шарафли иш, - дейди Шоҳрузбек. - Чунки бу соҳада жоннингизни гаровга кўясиз. Албатта, ҳар бир инсон учун жони ширин. Аммо Ватан олдидаги бурчимиз ундан ҳам азиз. Шундай экан, ҳар бир харбий она тупроқни, керак бўлганда, жонини бериб бўлса ҳам ҳимоя қилишга тайёр. Жумладан, мен ҳам.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎРИҚЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚўМИТАСИ

Юртимиш сарҳадларини ҳушёрлик билан қўриқлаётган,
ҳалқимиш тинчлиши ва осойиштамишини
таъминлаётган ҳарбийларимизни

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан
салимий кутмайди!

Муқаддас бурчини шараф билан адо этаётган мард ва жасур аскарларимизга матонат ҳамиша ҳамроҳ бўлсан! Уларнинг қалбини она Ватанимизга бўлган

юксак муҳаббат ҳисси асло тарқ этмасин!
Умрлари узоқ, турмушлари фаровон, бажараётган
ишлари хайрли бўлсан, хонадонларидан
тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларидан
кут-барака аrimасин!



ОЛИЙ МАҚСАД – ИНСОН ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Инсон манбаатлари ҳамма нарасдан устун деган тамоил асосида мамлакатимизда жуда кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада ўндан ортиқ ҳуқуқий-норматив ҳуқоқат қабул қилингани ва амалиётта татбиқ этилгани сўзимиз исботи.

Масалан, Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш давлатнинг олий мақсади деб ёзсон қилинди, инсон ҳуқуқларига оид нормалар уч баробардан ортиқка оширилди.

Айнан аёллар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ўтибор кучайтирилди ҳамда ижтимоий адодатамоилларига конституциявий мақом берилди.

Яратилган имкониятлар натижасида кўплаб фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, тегиши ташкилотларга мурожаат йўлламоқда. Ҳусусан, ўтган давр мобайнида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига йўлланган кўплаб мурожаатлар ижоат ҳал этилди.

Масалан, М.С.га тегиши ҳақни унидириш борасида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига киритилган тавсия ҳатимизга биноан унга қарздордан 22,5 миллион, шунингдек, фуқаро Д.А.га 3,5 миллион сўнг миқдорида алимент қарздорлиги ундириб берилди.

Бундан ташқари, Фарғона вилоятида яшовчи фуқаро Д.А. нинг суд карори асосида транспорт воситасига етказилган моддий зарар ундиришида амалий ёрдам сўраб ёзган мурожаати бўйича сұфурта компанияси киритилган тавсия ҳати асосида 8 миллион 662 минг 876 сўнглик моддий зарар тўлаб берилди.

Фуқаро Ш.В.нинг турмуш ўртоғи О.В.га ногиронлик гурухи тайинланниши ва нафакага чиқишида амалий ёрдам сўраб ўйллаган мурожаати юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритилган тавсия ҳати асосида фуқарога иккинчи гурух ногиронлиги тайинланди.

«Худуддаз Фарғона» газ таъминоти корхонаси фуқаро А.М.га газ истемоли учун ортиқча маблағ ҳисобланган. Бузилган ҳақ-ҳуқуқини тикилашда ёрдам сўраб, Марказга йўллаган аризаси асосида Вилоят прокуратура тавсия ҳати киритилган эди.

Прокуратура органи томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, жами 960 минг сўм нореал қарздорлик бартараф этилган ҳамда хона-дондаги газ ҳисоблагич янгисига алмаштирилган.

Фуқаро А.Н.ни бир гурӯҳ шахслар уриб, тан-жароҳати етказган. Аммо зўравонларга нисбатан чора кўрилмаган. Марказнинг аралашуви билан вазият назоратга олиниб, иш судга оширилди. Натижада, безорилик содир этган шахса нисбатан тегиши жиной жазо тайинланди, ва жабралнувчи фойдасига 3 миллион 935 минг 500 сўм зарар ундириб берилди.

Иккинчи гурӯҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз аёл фуқаро Н.С.нинг моддий жиҳатидан оиласидан ахволи ниҳоятда оғирлиги, касаллиги туфайли рўйхатда туриши ва мунтазам равишда даво мулажалари олиб турни лозимлигини билдириб, амалий ёрдам сўраб, ёзган мурожаати бўйича Бухоро вилояти ҳокимлигига тавсия ҳати асосида «Саховат ва кўмак» жамғармасидан моддий ёрдам ажратилишига ёришилди.

Умуман олганда, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин ва бу ҳозирги кунда фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаат қилиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириши масаласи давлат сиёсатининг энг устувор ўйналишларидан бирига айланганидан далолат, албатт.

Фарида ҲАҚБЕРДИЕВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази Жисмоний ва юридик
шахсларнинг мурожаатлари билан
ишиш бўлими бош мутахассиси



Маҳорат

ЖАНГОВАР МАШГУЛОТЛАРДА ЯНГИЧА ҚАРАШ, ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бугунги ахборот асрида кўп эмас, бор-йўғи бир кун виртуал оламдан узилиб қолсангиз борми, ўзингизни замондан орта қолиб кеттандек хис кила бошлисиз. Кўча-кўйда, дўстлар даврасида улар тилидаги мавзуларга нисбатан бегоналик хис этасиз. Чунки сизда озми-кўпми инфомациян бўшилик бор.

Шундун келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳарбий хизматчиларнинг нормал фаолиятидаги бир кунлик танаффус ҳам реал вазиятларда улар учун қимматга тушиши мумкин.

Шу боис ҳарбий қисмларда маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлик машғулотлари катъий режа асосида тизимли ўтказиб келинмоқда.

Шу ўринда яна бир мuloҳаза. Барчамиз кундаклик хаётда уяли aloқа воситаларидан кенг фойдаланамиз. Эътибор берган бўлсангиз, вакти-вақти билан телефонга дастурларнинг эскиргани ва уни янгилашингиз (обновление) кераклиги ҳақида хабар келади. Табийки, янги дастур сизга янги имконият ва кулайликлар тақдим этади. Мана шу оддий мисол ҳам Куролли Кучлар тизимида жанг услубиятининг замонавий кўринишларини ўзлаштириш, янгича қараш ва фикрлашнинг нақдар мухим эканлигини кўрсатиб турди. Жойларда ўтказиб-тган жанговар тайёргарлик машғулотларида эса бунга устувор масаласи сифатида қаралмоқда.

Ҳарбий хизматчи учун энг мухим жижат унинг руҳий ва жанговар барқарорлиги, албатта. Бунда олинганд назарий билимларнинг амалий синон мухим ўрин тутади. Ҳақиқий жанг ҳолатига яқин мухит яратилган дала-ўкув майдонида олиб борилган жанговар тайёргарлик машғулотлари ҳарбий хизматчиарнинг жасорати, матонати ва маҳоратини сайқаллайди. Бажариш мураккаб, ўтиш мушкул бўлган тўсиқлар узра тез ва тўғри ҳарқатланиш узоқ олиб борилган машғулотлар натижасида бўй кўрсатади.

Янгича ғоя ва ташабbusлар билан ташкил этилаётган ўкув машғулотлари юрт ўғлонларини реал вазиятларда аниқ ва тезкор ҳаракат қилишига замин яратади.

Исломжон Қўчкоров,
катта лейтенант



МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Ўзбек ҳалқи ўғил бола тарбиясида энг нозик жиҳатга, яъни унда ғурур, орият туйғусини шакллантиришга қадим-қадимдан катта эътибор қаратиб келади.

Ўзбек хонадонида ўғил фарзанд дунёга келса, «Аводимминг давомчиси түгилди» деб ҳурсанд бўлишади. Миллатимиз турмуш тарзига хос бокий анъана-лар олимпаримиз тадқикотида ҳам ўрганилган. Ўғил боланинг ўз «мен»ини англаши илк ёшиданоқ намоёб бўла бошлиди. Мард, жасур, қатъияти, ғурурли йигит - миллат фахри, ғурури. Ўғил болани мустакил хаётга тайёрлаш, эркакка хос фазилатларни егаллашиб кўмаклаши, таълим олиб, касб-хунар егаллашибга чинчилигидан сизга ғуруриш факат ота-она гарданидаги вазифа эмас, бу кенг жамоатчилика ҳам тегишилди. Академик шоир Fafur Fулом таъкидлаганидек, «Йигит омон бўлса кўргон саломат»dir.

- Хеч эътибор берганмисиз, ўғил болаларга «Ким бўлмокчисан?» деб юзлансангиз, кўпчилиги «Ҳарбий бўламан!» деб катъий оҳанга жавоб беришади. Ўғил фарзандларимизнинг деярли барчasi энгига ҳарбийлик киймини кийб, Ватан сарҳадларини химоя қилишни кўнглига тугади,- дейди Фаргона вилютида жойлашган «Темурбеклар мактаби» директори, подполковник Бекзод Ҳикматов. - Мактабимизда ўқиб, узинги мустакил хаётга тайёрлаётган 300 нафар ўқувчи айнан шу руҳда тарбияланмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самародорлигини ошириш ва Ўзбекистон ўшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида»ғи фармони бандларидан бирда республика-миздаги ҳарбий академик лицеяларга «Темурбеклар мактаби» номи берилиши белгила бўйилди. Соҳибкорон Амир Темурдек азми қатъий, шижаотли, мард ўғлонларни тарбиялаш давр талаби бўлгани учун ҳам 2017-2018 ўкув ўйлидан бошлаб бу йўналишдаги барча лицеялар ана шу ном билан аталмоқда. Мактабимизда ўз тақдирини ҳарбий, ички ишлар, миллий

гвардия, божхона ва бошқа соҳалар билан боғлашиният қилган мард ва жасур ўғлонлар таълим олади. Улар 9-синфи тамомлагандан сўнг белгиланган тартиба кўра, қабул килинади. Умумтаълим фанларидан ташқари, авиация, Шарқ яккакураши ва жанговар ҳарбий тайёргарликини оширишга имкон берадиган амалий машғулотларда ҳар бир тарбияланувчи ҳар томонлама чинчилиб боради. 11-синфи тамомлагандан битирувчилар ўз хошиг-иродалари билан турли олий ўкув юртларида таълимнинг кейинги босқичини давом этишишларни мумкин. Агар 2022 йилда 98 фоиз битирувчимиз олий таълим муассасаларига қабул қилинган бўлса, 2023 йилда 100 фоизлия натижага қайд килинди.

Спортнинг барча турлари инсон саломатлигини мустаҳкамлайди, у организмни чинниқтиривчи, тобловчи ва тикловчи воситадир. Спорт ирода-тоқатни тарбиялаиди. Бугун мамлакатимизнинг кайси туманинга борманг, кўллаб спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилган таълим масканлари ва клубларига дуч келасиз. Спорт турлари билан мунтазам рашидла шуғулланган ўғил болаларга разм солсангиз, жуссадор, келбатли, фикри ҳам катъий. Самарқанд вилютида ҳарбийлик кўрсатади жисмонан чинчилини ўз олдига қатъий мақсад қилган юзлаб ўшларни учратасиз.

- Ўғил болани жисмонан ва руҳан соғлом ривожлантиришада спортивнинг барча турлари кўл келади, - дейди Кўшработ туманинада спорт мактаби директори Давлат Мирзанов. - Мактабимизда 18 та спорт тури бўйича тўғарак ташкил килинган. Ўтган йили «Гашабусли бюджет» лойиҳаси асосида мактабимиз тубдан капитал реконструкция килинди. Барча спорт жихозлари янгиланди. 1112 нафар ўқувчидан 793 нафари ўғил бола.

Уларда йигитларга хос қатъият, шижаот, мардлик, эпчилик, ўддабуронлик, каби хислатларни шакллантиришада машғулотларнинг мунтазам равишда ўтказилаётгани мухим аҳамият касб этмоқда. Ўзинча ҳар томонлама тоблаб, зуваласини пишишиб борган ўсмир йигитлар касб-кор танлашда, мураккаб вазиятларда мустакил карор қабул қилиш ва оиласини бошқариша қийналмайди. Ильи машғулотларда бериладиган амалий кўнимларлар бора-бора уларни маҳоратли спортчига айлантироқда. «Беш ташаббус» олимпиадасида волейбол бўйича мактабимиз терм ва жамоаси Республика чемпионатида биринчи ўринни кўлга киритди. Кураш, бокс, футбол, Турион яккакураши, бадминтон гандон бўйича эришатган натижаларимиз ҳам чакки эмас.

1993 йил 29 декабрь. Шу куни 14 январь юртимизда Ватан химоячилари куни, деб ўзлон килинди. 1994 йилдан бошлаб нишонланётган ушбу сана ҳалқимиз онги ва шууридан чукур жой егаллади. Ўша куни барча ҳарбий қисмларда, мудофаа тизимига қарашли мустаҳкамлардан таъланали мусиқа янграйди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Куролли кучлари тизимида хизмат килаётган барча ходимларга байрам табриги йўллайди. Мард ва жасур ўғлонлар Ватанимизнинг юксак увон ва медаллари билан тақдирланади. Нуоринлар «Осмонимиз мусафо», юртимиз тинч бўлсин!», деб дугуга кўл очишиади. Опа-сингилларимиз ўз яқинларига совфа улашади.

Илоҳим, Куролли кучлари тинчлик ва осоишишталик учун сергак турган Ўзбекистонга кўз тегмасин!

Хулкар ТЎЙМАНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ

**ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ
14 ЯНВАРЬ – ВАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ТАБРИКЛАЙДИ!**



Ватан ва юрт
ҳизмоси буюқ, эвзу,
шарафларни ва муҳаффас
бург эканлигини англаган
жолда хизматни қилиштаган
элларвон ва жасоратли
инсонларга оиласиб басат
ва барқамоллик
тилаайди.

**ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФО, ТОБОРА ГУЛЛАБ-
ЯШНАЁТГАН ЮРТИМИЗ ДОИМО ТИНЧ БЎЛСИН!**



ГОҲ БУРГУТ,
ГОҲ ОВЧИ, ГОҲ
ШАРПА БЎЛИБ...

Мудофаа вазирлигининг «Чимён» төғ тайёргарлиги ўкув-машқулар маркази ва унинг жойлардаги базалари ҳарбий хизматчиликнинг касбий маҳоратини ошириб бориша мухим аҳамият касб этади. Ўкув машгулотларининг мавсумий ташкиллаштирилиши эса мутахассислар турли рельефли худжудларда эркин ҳаракатланиши ва шароитга мослашини таъминлайди.

Марказда бўлиб ўтган ўкув-машгулотлар давомида төғ ишғол гурухлари вертикаль харакатланиш, тик қояларга кўтарилиши ва тушиш, узок масофага марш юриш, пастдан юкорига, юкоридан пастга жанговар куроллардан тунгига ва кундузги шароитларда отиш, сув тўсиклари, тог дараларидан аркон ёрдамида ўтиш каби бир-биридан мураккаб машқуларни бажаришиди. Шунингдек, тог шароитида ядродларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, разведка-кидирув, тактик ҳаракатланиши бўйича топширикларни адо этиш асноси ўз маҳоратлари ва кўнникмаларини намойиш этишиди.

Харбий хизматчиликнинг ўзлуксиз алоқа, аниқ мўлжалга олиш, параплан ва чангидга учиш, отлик гурухларда ҳаракатланиш чоғи хатога йўл кўйиш кандай оқибатларга олиб келишини яхши оширилди. Шу боис вазифалар «Тог шарпаси», «Тог овчиси», «Тог бургути» ўкув дастурлари асосида такомиллаштирилиб, иштирокчилар тажрибаси ошириб борилаверади. Ўкув-услубий йигин давомида уларга тажрибали йўриқчи сержантлар бириткирилиб, бажарилган ҳар ҳаракат холис баҳоланди. Тог ишғол гурухлари ўкув-услубий йигин шарпларни бўйича топширикларни бажараётганида уларнинг ҳаракатларида аниқлик, уюшқоқлик, қатъйлик кўзга ташланниб турди. Эрта тонгдан қош қорайтунча давом этган машқулар пайти ҳар бир гурух ўз олдига кўйилган мақсад йўлида навбатдаги тўсикларни енгизиб ўтишга ҳаракат килиди.

Марказда мунтазам ўтқазиб келинадиган ўкув дастурлари самараси төғ ишғол гурухлари ҳаракатларида яққол кузатилди. Ўт-ўлунлар орасига шарпа сингари яширганнан мерган, парапланда бургут сингари осмонда парвоз килаётган «бургутлар», қиска фурсатда «Катта Чимён» ва «Овчи» чўққиларини забт этган «овчилар» ўз ишларининг усталилага айланышган. Бинобарин, биз ҳарбий хизматчиликнинг тик қояларга дадил-чакқон кўтарилаётганини кўриб, уларнинг маҳоратига тан бердик.

Бундай машгулотлар ҳарбий хизматчиликнинг жанговар шайлигини оширишдан ташкари, улар орасидан етакчиликни саралаб олиш имконини ҳам беради. Марказ бошлиги майор Фаррух Тошевнинг таъқидлашича, йўриқчи сержантликка дайвогарлар рўйхатини шакллантириш машқуларни сидкидилдан бажарига бўлган интилишини янада кучайтиради. Натижада фаол ва тажрибали йигин қатнашчилари орасида соғлом рақобат кучайиб, топширикларни масъулият билан бажарish хисси ортади.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, ёзги ўкув-услубий йигин марказнинг «Саридала», «Олтинкон», «Тошкўргон» каби худудий ўкув базаларида ҳам давом эттирилмоқда.

- Тог тайёргарлиги мутахассислиги ҳарбий алпинист деган номига осонликча эришиб бўлмайди, - дейди III даражали сержант Абдулваҳид Хомиджонов. - Бунинг учун мақсад аниқ бўлиши, машқуларни ҳаракатлар ўзлуксиз давом эттирилиши керак. Мабодо, улар тўхтаб колса, ҳаммасини дебочасидан бошлашга тўғри келади. Чунки тоглардаги ҳар бир чўққа ҳар бир қояд, дара ва жарлиқда, сўқмок ва сув ўйлларидан ҳаракатланиши бўйича мавсумга қараб қарор қабул қилинади. Шу боис бундай вазиятлarda хатога йўл кўйиб бўлмайди. Босиб ўтиладиган ёки жанговар топширикларни масъулият билан бажарish бўлиши ҳам мумкин.

Яна бир гап. Тог жангчилари топшириклини мубаффақиятли бажара олишлари учун улар орасидан кимdir етакчиликни кўлга олиб, гурухнинг қоядан, жарлиқдан ва сув тўсикларидан ўтишини таъминлаши лозим. Абдулваҳид Хомиджонон эса халқаро армия йўналишида бир неча бор қатнашиб, совриндор бўлган. Халқаро мусобақаларда ва ерда ортирган тажрибалари хизмат бурчини ўтаси ва топширикларни бажарishiда жуда кўл келмокда.

Асрор РЎЗИБОЕВ,
журналист

Реклама


«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компанияси жамоаси

барча юртдошлиаримизни ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 32 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ билин самими муборакбод этади!


Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги
йўлидаги фидокорона хизмат қилаётган
барча-барчага мустаҳкам соғлиқ, оилавий баҳт,
олижаноб ва масъулияти вазифаларида улкан
зафарлар ёр бўлишини тилайди.

Осмонимиз
мудом мусафо,
сарҳадларимиз
доимо дахлсиз,
чегараларимиз
ҳар дам мустаҳкам бўлсин!

14
YANVAR



Хизматлар лицензияланган



ISSN 2010-5002
2007-yil
11-yunvorda
O'zbekiston
Matbuot va oxborot
agentligida 116-roqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Доверие»
gazetalari
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OBIBAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinnbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalarini hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:
Qoraqalp'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarkand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'on'a viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Korazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingen
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'sratilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
S. Abdurahmonov

Musarhishlar:
D. Xudoberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abduljalilov

Bosishga topshirish vaqt – 01:10
Topshirildi – 01:30

Bahosi kelishilgan narxa

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaniga seshsanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter makazida
terildi va sahfalandi.

Nashr ko'sratilishi: 133

Umumiy adadi 35 018
Shundan:
7540 nusxasi

«Shard» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi –
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;

19 016 nusxasi
«Erudit» MCHJ
bosmaxonasi –
Samarqand shahri,
Sipatman ko'chasi,
270-uya;

8462 nusxasi
«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyd
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq.
Buyurtma 22

1 2 3 4 5 6